

Хабар

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan

2003 yil, 25 aprel № 18 (555)

Sotuvda narxi erkin

ТАҚДИМОТ БЎЛИБ ЎТДИ

Телекоммуникация тармоғининг глобаллашуви ва ундан ҳамма ерда фойдаланиш имкониятини яратиш бугунги куннинг талабидир. Шу боис, "Ўзбектелеком" АК томонидан республикада "Globalstar" компаниясининг сунъий йўлдоши орқали глобал мобил алоқа хизматларини жорий қилиш устида иш олиб борилмоқда.

Мамлакатимиз истеъмолчиларини ушбу хизмат турларининг имкониятлари ва қўлланиладиган ускуналар билан яқиндан таништириш мақсадида яқинда Тошкентдаги Халқаро бизнес марказида "Ўзбектелеком" АК Россиянинг "Globaltel" компанияси билан ҳамкорликда тақдимот маросимини ўтказди. Унда Агентлик таркибдаги корхоналар ва қўшма компаниялардан, шунингдек, республикамизнинг бошқа вазирлик ва идораларидан келган вакиллар иштирокida анжуман бўлиб ўтди. Тадбирда республикада "Globalstar" компаниясининг сунъий йўлдоши орқали глобал мобил алоқа хизматларини қандай жорий қилиш хусусида савол-жавоблар ўтказилди.

Ўз мухбиримиз

МУТАХАССИСЛАР ЎЗИМИЗДА ТАЙЁРЛАНАДИ

2000 йили ташкил этилган Андижон алоқа касб-унар коллежи билан "Андижон Телеком" филиали ўртасида ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган.

Собиқ Андижон электромеханика техникуми вилоят ҳоҳимлиги қарори билан алоқа коллежига айлантирилганда, мажбурий йўналиш бўйича педагогика жамоасида тажрибали ўқитувчилар йўқ эди. Ҳозирда "Андижон Телеком" филиали етакчи мутахассисларидан бир гуруҳи коллеж дирекцияси томонидан талабаларга электралоқа тизимлари бўйича назарий дарслар ва амалий машғулотлар ўтказиш учун жалб этилмоқда. Бунда икки томонлама манфаатдорлик кўриниб турибди, яъни бугунги талаба эртага коллежни тамомлаб, "Андижон Телеком" филиалига ишга келади.

Ўқиб билан ишлаб чиқариш ҳамкорлиги малакали мутахассислар тайёрлашда қўл келиши шубҳасиз. Айни чоғда алоқа коллежи шундоққина ёнимизда бўлгани учун энди ёшлар пойтахтга ўқишга бориб юришмайди.

Корхонанинг М.Манасян, Т.Нуриддинов, Ҳ.Холматов, К.Аҳмедов, Н.Ҳасанов каби фахрий ва тақдирли мутахассислари телекоммуникация тизимлари, линия йўналиши ҳамда рақамли тизимлар бўйича коллежда машғулотлар олиб боришмоқда. Бу бошланиши, албатта, Келгусида Андижон алоқа коллежи ва "Андижон Телеком" филиали ҳамкорлиги янада мустаҳкамланади.

Р. УЗОҚОВ

Янги – XXI асрда телекоммуникация соҳасига оптик толали, рақамли ва бошқа техника ва технологиялар кириб келмоқда. Бироқ мамлакатимиздаги барча алоқа линиялари ва кабелларини ёлпасига янгисига алмаштиришнинг иложи йўқ. Қарийб ишдан чиқарилган, 30-40 йилдан буён ишлатиб келинаётган кабеллар умрини алоқани узмасдан туриб узайтириш керак. Яъни эски кабелларни "даволаш" лозим. Шундай қилиш керакки уларнинг хизмат кўрсатиш кафолати яна ошсин, алоқа сифати янада яхшилансин ва ўша эски кабеллардан рақамли технологияларни қўллашда фойдаланиш имкони яратилсин. Бунинг учун эса ўзаро ҳамкорлик, тажриба ва фикр алмашиш муҳим аҳамият касб этади.

Икки йил аввал юридаги масалалар юзасидан мамлакатимиз телекоммуникация тизимининг янада такомил- мизда илмий-амалий анжуман бўлиб ўтган эди. Шу вақт оралиғида маълум бир ишлар қилиниб, ҳамкорликда қатор лойиҳалар тайёрланди. Ана шу лойиҳаларни ҳаётга татбиқ қилиш мақсадида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти, "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси, Россия Федерациясининг Ленинград илмий-тадқиқотчилик ҳўжалиги Лониис алоқа институти ҳамда "НАТЕКС" илмий-техникавий маркази ва Агентликнинг Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази (ФТМТМ) томонидан навбатдаги илмий-амалий конференция ташкил қилинди. Уни ФТМТМ директори Р.Исаев олиб борди.

Конференция очилишида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бosh директорининг ўринбосари А.Ҳўжаев сўзга чиқиб, анжуман ташкилотчиларига миннатдорчилик билдирди ва унинг ўтказилиши

мамлакатимиз телекоммуникация тизимининг янада такомил-

БАРАКА ТЕЖАМКОРЛИҚДА

лашишида ўз самарасини беришини таъкидлади.

Анжуманинг биринчи кунинда Россия Федерациясида хизмат кўрсатган алоқа ходими, техника фанлари доктори Юрий Парфёнов "Маҳаллий электралоқа тармоғида кабел линиялари", "Ўзбекистон шахар ва қишлоқ телефон станциялари эксплуатацияси ҳамда ривожланиш муаммолари" ва бошқа қатор мавзуларда маъруза қилди. Маъруза давомида йиғилганларга тушунарли бўлиши учун турли хил жадвал ва ҳужжатли филмлардан фойдаланилди.

– Ўзбекистон томони ва "НАТЕКС" билан ҳамкорликда ушбу анжумани ўтказиш учун ярим йилдан ортиқ тайёргарлик кўрдик, – дейди биз билан суҳбатда Лониис илмий-тадқиқотчилик алоқа институти

НАМКОРЛИК УФҚЛАРИ

лаборатория бошлиғи Ю.Парфёнов. – Аслида Ўзбекистонда бир неча бор бўлганман, кўпгина янгилар, гоёлар шу ерда туғилган. Бу сафарги ташрифимиз ҳам самарали кечиши тайин. Бизнинг институт кабел линиялари билан шуғулланса, "НАТЕКС" маркази DSL русумидаги янги ускуналарни намойиш қилади. Мақсадимиз кам ресурс ишлатиб, қулай техник имконият яратишдан иборат.

Эски кабеллар умрини узайтириш учун техника мойи ва қушук аралашмаси махсус аппарат орқали кабел ичига қўйилди

ҳамда унинг полимерлик хусусияти оширилди. Бундан ташқари институт мутахассислари юқори частотали кабелни яратишга ҳам алоҳида эътибор қилмоқда. Бу борада

"Андижонкабел" қўшма корхонаси билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. Кабелнинг сифати, айниқса уни кемирувчилар зарари тегмайдиган тарзда тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилади. Бундай кабел намуналари конференция давомида йиғилганларга намойиш қилинди.

Анжуман якунида Ўзбекистонда телекоммуникация хизматларига талаб ортиб бораётган бир вақтда намойиш қилинган технологиялар ва услубларнинг муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Шунингдек, маҳаллий тармоқларда ушбу тажрибани қўллаш, "НАТЕКС" технологияларидан фойдаланиш ва навбатдаги илмий-амалий конференцияни 2005 йили ўтказишга келишиб олинди.

Л.ТУРСУНОВ

АЛЛО, СИЗНИ "ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОШ ДИРЕКТОРИ ЭШИТАДИ

Ҳурматли муштарийлар!

1. Сиз республика телекоммуникация хизмати бўйича қандай таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирмоқчисиз?
2. Сизни жойлардаги телекоммуникация (телефон, телеграф, факс, Интернет) хизматлари қониқтирадими?
3. Телекоммуникация корхоналарининг миқозларга кўрсатаётган хизмат сифати, алоқачиларнинг касб малакаси ва маданиятидан қўнглингиз тўладими?

Хуллас, Сизни қизиқтираётган барча саволларга шу йил, 30-апрел кuni, соат 11⁰⁰дан 12⁰⁰гача "Ўзбектелеком" АК бош директори **Ҳажим Асрорович МУХИТДИНОВ** 133-42-59, 133-32-92 телефонлари орқали тўғридан-тўғри жавоб беради.

Мақтубларингизни Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 24-уй, "Ўзбектелеком" АК ёки Тошкент шаҳри, А.Толстой кўчаси, 1-уй, "Хабар" тахририятига йўллашингиз мумкин.

Олдиндан бермоқчи бўлган саволларингиз қуйидаги телефон рақамлари орқали қабул қилинади:
133-42-59, 133-32-92, 144-29-09, 136-36-42 (факс).
Электрон почта манзили: habar@uzapt.uzpak.uz

"Бевосита мулоқот" да тилга олинган долзарб савол-жавоблар газетамизда чоп этилади.

МУҲИМ ВА ЗАРУР ҚЎЛЛАНМА

MUNOSABAT

Республика почта алоқаси ходимлари жорий йилнинг апрел ойидан бошлаб янги тахрирдаги почта қондалари асосида хизмат қилишга киришдилар.

Қўлланилган варақлар экансиз, бозор иқтисодиёти шароитида миқозлар манфаати ҳар томонлама эътиборга олинганга ишонасиз.

Энг аввало шуни таъкидлаш керак-ки, янги тахрирдаги почта қондалари анча илҳамлаштирилган, илгари мингдан ортиқроқ моддага эга бўлган қондалар сони 603 тага келтирилган. Бу нарса вақтни тежаш ва тез орада қондаларни ўзлаштириб олиш имкониятини яратди.

Шуниси қувончлики, почта хўннатларини стандартга мослаштириш мақсадида уларнинг манзилларини ёзиш ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштиришнинг аниқ ва алоҳида-алоҳида намунаси кўрсатиб берилган. Бунинг натижасида ҳар бир иш жойида почта қондаларидан самарали фойдаланиш йўлга

қўйилади. Аммо камчилиги шундаки, янги тахрирдаги почта қондаларини яратишда "Давлат тили ҳақида"ги қонун талаблари бироз ҳисобга олинмаган кўринади.

Почта қондалари янгилик бўлганлиги сабабли иш жараёнида саволлар, муаммолар туғилиши табиий. Шуларни инобатга олиб, "Хабар" газетаси саҳифаларида "Почта қондаларидан маслаҳатлар", "Сўранг, жавоб берамиз" каби рунқлар ташкил қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Хуллас, республикамиз почта алоқаси ходимлари кўндан буён орақиб кўтган зарур ва ҳаётий қўлланмага эга бўлишди. Ундан тўғри фойдалана билиш юрдошларимизнинг почта алоқаси хизматларига бўлган талабларини янада тўлароқ қондириш имконини беради.

Р. БОЛТАБОВЕВ,
"Қорақалпоқ почтаси" АЖ
Ҳўжайли филиали ходими

БЕВОСИТА МУЛОҚОТ

УЯЛИ АЛОҚА: ЕТАКЧИЛИК ҚИММИНИ ҚЎЛИДА?

SHARH

Республика уяли алоқа бозорини кўрсатилган хизматлар ҳажмининг ўсиши жиҳатидан ҳам, рақобатнинг ривожланиши бўйича ҳам энг тез ривожланган соҳалардан бири дейиш мумкин. Агар 90-йилларнинг ўрталарида уяли алоқадан йирик шаҳарларда ва тор доиралардагина фойдаланилган бўлса, ҳозир бу алоқа анча оммалашиб улгурди. Уяли тармоқ Ўзбекистоннинг олис минтақаларини ҳам қамраб олмоқда.

1996 йилнинг бошида Ўзбекистонда уяли тармоқнинг атиги битта оператори – “Ўздуробита” қўшма корхонаси бор эди. Ҳозир уяли алоқа бозорига 6 та компаниянинг манфаатларини ҳимоя қиладиган 7 та оператор ишламоқда. (“Рубикон ВАЙРЛЕСС Коммуникейшн” 2 уяли тармоққа операторлик қилади, уларнинг кўпчилиги GSM 900/1800 стандарти тармоғидан фойдаланади). Бу МДХ ва Болтқубўйи мамлакатлари ҳудудидagi энг юқори кўрсаткичлардан биридир. 1998 йилнинг бошида республикада уяли тармоқ хизматидан салкам 27 минг киши фойдаланган бўлса, 2001 йилнинг охирида бу рақам 121000 га етди (445 фоиз ошди). Сўнгги икки йилда абонентлар сони ўртача 150 фоиз кўпайди. Деярли ҳар ой бозорда муҳим самарга эга бўлган мулақо янги (масалан, абонент ҳақи тўланмайдиган тариф режалари, республиканинг бутун ҳудудини ягона рўйхат зонасига бирлаштириш, хизматларга секундди тарифлар каби) хизматлар жорий этилди.

Агар 1998 йилнинг бошида бозорнинг 61 фоизи “Ўздуробита” ҚКга тегишли бўлган бўлса, кейинчалик “ДЭУ Юнител” ва “COSCOM” компаниялари ҳам ўз абонентлари сонини кўпайтиришга эришди. Ҳозир республикада устуник қўлаётган бирорта компания йўқ. Бироқ уяли алоқа компанияларининг сони кўпайишига қарамай, амалда бозор учта йирик оператор – “ДЭУ Юнител” ШК, “Ўздуробита” ҳамда “COSCOM” ҚКлари ўртасида тақсимлаб олинган. Бу бозордаги бошқа субъектларнинг ҳаракати шу уч операторга боғлиқлигини билдиради. Шунга қарамай, абонентлар сони ҳам бўлган рақобатчилар бозорига ўз улушини кўпайтириш мақсадида муҳим янгиликларни жорий этмоқда.

Бундай хизматлар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида айниқса яхши ривожланган. Самарқанд, Бухоро вилоятлари, Фарғона водийси нисбатан ривожланган бозорлар ҳисобланади. Олисдаги Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида “Ўздуробита”га рақобатчилар 2001 йилдагина пайдо бўлди.

“Ўздуробита” қўшма корхонаси 1991 йили ташкил этилган бўлиб, республикаимиздагина эмас, Марказий Осиё минтақасида ҳам биринчи уяли алоқа корхонаси бўлди. Қўшма корхонанинг муассислари Алоқа вазирлиги ва INTERNATIONAL COMMUNICATIONS GROUP (АҚШ) эди.

1992 йилнинг августидан бошлаб ўша вақтда NMT-450 стандартида ишлаган “Ўздуробита” ҚК уяли алоқа тармоғини тижорат учун ишлата бошлади. 1994 йилнинг ўрталарида тадқиқотлар натижалари асосида AMPS стандарти ва рақамли Digital AMPS (IS-54)да фаолият бошлашга қарор қилинди. Абонентлар йил давомида аста-секин янги стандартда ишлашга ўтказилди ва 1995 йилнинг ноябрида бу иш низоҳасига етди, NMT-450 стандартидаги уяли алоқадан фойдаланиш тўхтатилди. AMPS/DAMPS стандартидан фойдаланиш кўрсатилган хизматлар сифатини яхшилади ва хизмат кўрсатиладиган абонентлар сонини анча кўпайтиришга имкон берди.

1994 йили қўшма корхона Урганчада дастлабки филиалини очди. Ўша пайтдаёқ МДХда биринчи марта абонент бир шаҳардан иккинчи шаҳарга ўтганда унинг алоқасини автоматик равишда таъминлаш лойиҳаси амалга оширилди. 1998 йилнинг охирида республиканинг барча вилоят ва маъмурий марказларида компаниянинг филиаллари ишлаб бошлади. Натижада “Ўздуробита” ҚК қамрайдиган зона Ўзбекистоннинг 1000 дан ортиқ шаҳар ва қишлоқларини ўз ичига олди. Ҳозирги вақтда компания абонентлари сони 60 мингдан ошиб кетди. Корхона томонидан 2002 йилдан бошлаб GSM тармоғи ишлатила бошланди, бу эса бозорда рақобатни янада кучайтирди.

“COSCOM” Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси 1996 йили ташкил этилган бўлиб, у Марказий Осиё давлатларида биринчи бўлиб GSM стандартидаги рақамли уяли алоқа тармоғидан фойдаланган компаниядир. Ўзбекистон космик тадқиқотлар агентлиги (“Ўзбеккосмос”), Тошкентдаги “Давр-Конверсия” фирмаси ва MCT Corp (АҚШ) корпорацияси унинг муассисларидир.

1997 йилнинг сентябрида Тошкент ва Самарқанд уяли тармоқлари тижорат мақсадида тўла ишлатила бошланди, декабрда эса Тошкент вилоятининг муҳим саноат маркази – Чирчиқ ҳам тармоққа уланди. 1998 йилнинг охирига келиб “COSCOM” тармоғи Жиззах, Бухоро, Гулистон ва Янгиўлга хизмат кўрсата бошлади. 1999-2000 йилларда халқаро автоматик роумингни кенгайтириш “COSCOM” фаолиятининг асосий йўналиши бўлиб қолди. Ҳозир “COSCOM” бошқа уяли тармоқ операторларига нисбатан энг кўп хориж мамлакатлари билан роуминг битими тuzган. Компания тармоғига Навоий ва Зарафшон шаҳарлари ҳам уланди. Эндиликда компания Фарғона водийси ва республикаимизнинг бошқа шаҳарларида ўз тармоқларини кенгайтирмоқда.

“ДЭУ” компаниясининг шўъба корхонаси бўлган “ДЭУ Юнител Компани” 1996 йил, 26 апрелда рўйхатга олинган эди. “ДЭУ Юнител” GSM стандартида ишлайдиган энг йирик уяли тармоқ оператори, шунингдек, катталиги жиҳатидан Ўзбекистондаги иккинчи компаниядир. У Тошкентда уяли тармоқни тижорат сифатида 1997 йил сентябрида ишлата бошлаган. “ДЭУ Юнител” уяли тармоғи қисқа вақт ичида Фарғона, Марғилон, Андижон, Қўқон ва Самарқандга ҳам хизмат қила бошлади. Ҳозир у базавий телефон станциялари сони жиҳатидан GSM операторлари орасида етакчилик қилмоқда. 2001 йил, 1 ноябрда компания бутун Ўзбекистон бўйича ягона рўйхатга олиш зонасини жорий этиб, республика вилоят ва маъмурий марказларида тармоқни кенгайтирмоқда.

“Ўзмаком” қўшма корхонаси 1996 йили ташкил этилиб, унинг муассислари Малайзия томонидан “Супериор Коммуникейшн”, “Сендриан Берхард” компаниялари, Ўзбекистон томонидан республика Давлат мулки кўмитасидир. Қўшма корхона фаолиятининг асосий тури Тошкентда ва Тошкент вилоятида GSM-900 стандартида уяли радиотелефон алоқа хизмати кўрсатишдир. Қўшма корхона янада кенгроқ ҳудудга хизмат қилишни режалаштирмоқда.

“Бузтел” компанияси 1996 йили ташкил этилган. GSM-900 стандартидаги тармоқни тижорат мақсадида Тошкент бўйлаб 1997 йилнинг бошида ишлата бошлаган. Тошкентда қўшимча станциялар жойлаштириш, Тошкент вилоятида уларни ўрнатиш компаниянинг яқин вақтга мўлжалланган режасига киритилган.

“Рубикон Вайрлесс Коммуникейшн” қўшма корхонаси “Рубикон” ўзбек фирмаси ҳамда АҚШнинг “Amis Protrade International inc” ва “I&D Intercontinental” компаниялари томонидан таъсис этилган. “Рубикон Вайрлесс Коммуникейшн” уяли тармоқлар икки оператори – “Ю-тел” ва “Перфектум мобайл” операторларининг муассисидир.

“Ю-тел” уяли тармоғи тармоқдан DAMPS стандартида тижорат мақсадларида фойдаланиши Тошкентда 1997 йили бошлади. Бироқ уяли тармоқ рентабелли бўлмагани учун ҳозир қўшма корхона ўз тармоғини Ўзбекистон ҳудудида кенгайтиришни тўхтатди. “Рубикон Вайрлесс Коммуникейшн” компанияси фақат тармоқнинг фаолиятини қўллаб-қувватлайди.

“Перфектум мобайл” Ўзбекистон уяли алоқа бозорига янги компаниядир. Қўшма корхона CDMA стандартида ишловчи биринчи ва ягона оператордир. “Рубикон Вайрлесс Коммуникейшн” Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси (РВК) уяли тармоқнинг муассисидир. “РВК” ҚКни ривожлантиришда таниқли халқаро ташкилотлар ва корпорацияларни жалб этган ҳолда жами 80 миллион АҚШ доллари миқдоринда инвестицияларни режалаштирмоқда. Ҳозирги пайтгача тармоқни ривожлантиришининг биринчи босқичи амалга оширилди: Тошкентда алоқа йўлга қўйилди. Яқин орада Тошкент вилоятида тармоқни кенгайтириш амалга оширилади ва икки йил ичида республиканинг йирик шаҳарларига ҳам алоқа уланди.

(Давоми келгуси сўзда.)

Анвар ХУҲАЕВ



ҚУРЪОН ШАРҲИ БЕПУЛ

Мусулмонларнинг муқаддас оий – рамазон арафасида Мисрдаги йирик “Мобинил” уяли алоқа провайдери ўз фойдаланувчиларига бепул янги хизматлар тақдим этишини эълон қилди. Улар бутун ой давомида уяли телефон орқали Қуръон шарҳини оладилар. Бунинг учун абонентга аппаратда муқаддас китобдаги уни қизиқтирган суранниг, сўнгра оятнинг рақамини териш

кифоя. Жавобда у Ҳазрат Муҳаммадга Аллоҳ томонидан юборилган ваҳийлар мазмуни хусусида дунёдаги энг йирик ислом университетларидан бири Ал-Азхар (Қоҳира) етакчи уламоларининг тушунтиришларини эшитида. Бу лойиҳа анча қимматга тушади. Қуръонда 114 сура ва 6616 оят – умумий ҳисобда араб тилидаги 78 минг сўз мавжуд.

СЎЗЛАШИШ ИШҚИБОЗЛАРИ ЖАРИМА ТЎЛАЙДИЛАР

диган бундан ҳам хавфли бўлган машгулотлар, масалан, газеталар ўқиш ёки трубкага тамақининг янги порциясини солиш кабилар фин қонунчиларининг эътиборидан четда қолган. Уларнинг фикрича, бундай қилиқларнинг улуши уяли телефонда гаплашиш билан таққосланганда шунчалик арзимаски, ҳатто уларни янги қонундаги рўйхатга киритиш мақсадга мувофиқ бўлмайди. Полицияга дастлабки пайтларда янги қонундан бузган шахсларга танбех бериш билан чегараланиш хусусида кўрсатма берилган эди. Лекин янги қонунда ҳақиқатдаги ахборот ҳайдовчиларнинг асосий қисмига этиказилганидан сўнгра жазима солиниши муқарар бўлади. Йўлда юрганда мобил телефонлардан фойдаланишнинг янги қонунларига тушунтиришлар берилган қўлланмалар бутун мамлакат бўйлаб тарқатилган.

ЗАҲАР ОЛУВЧИ КОМПЮТЕР


Илон заҳарини олиш хавфи бўлиш билан бирга ўта чаққонлиқни ҳам талаб қилади. Илонлар билан муомалада жуда эҳтиёткор бўлиш лозим.

Леонадо (Индонезиядаги Сулавеси ороли) яқинидаги тиббий марказида илонлардан заҳар олишда электрон автомат тизимидан фойдаланилади. Оператор ЭХМ хотирасидан қайси илондан заҳар олиш пайти келганлигини аниқлайди ва компютер зарур кўрсатмани беради. Эластик “қўллар” билан жиҳозланган



манипулятор ўша заҳоти керакли илонни тутиб, эҳтиёткорлик билан идишга олиб боради ва унинг жағини сиқади. Илон идиш четини тишлаши билан ундан заҳар чиқади. Кейин манипулятор илонни яна ўз жойига қўйиб юборади.

ЖОНСИЗ ТАРЖИМОН



Япониянинг машҳур “Нихон Дэнки” электрон концерни янги компютер ишлаб чиқарганини эълон қилди. У японча гапирган одамнинг сўзини шу заҳоти синхрон усулда инглизчага таржима қилади ёки аксича, инглизчадан япончага ўтиради.

Internetdan olindi

